



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**


QARSHI MUXANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

**«IQTISODIYOT VA MENEJMENT»
KAFEDRASI**

LOGISTIKA

FANIDAN

Ma'ruzalar matni



Q A R S H I - 2005 yil

TUZUVCHI :

dots. X. Muxitdinov

TAKRIZCHILAR:

**QMII, Iqtisod va Menejment
Kafedrası dots. A. Raxmatullaev
dots. A. Xushmanov**

Ma'ruzalar matnlari tuplami «Iqtisodiyot» fakulteti «Iqtisod va menejment » ta'lim yunalishidagi bakalavrlar uchun muljallangan bo'lib, unda ushbu fan bo'yicha ta'lim standartlari va namunaviy dasturda kuzda tutilgan barcha ma'ruzalarning asosiy mazmuni yoritilgan.

«Iqtisod va menejment t» kafedrası majlisida ma'ruzalar matni tuplami (Bayon № _____ «_____» 2005 yil) «Iqtisodiyot» fakulteti uslubiy komissiyasida (Bayon № _____ «_____» 2005 yil) va Institut uslubiy kengashida (Bayon № _____ «_____» 2005 yil) kurib chikilgan va ukuv jarayonida foydalanishga tavsiya etilgan.

«Логистика» курси буйича соатлар таксимоти.

№	МАВЗУЛАР НОМИ	Жами	Шу жумладан		
			Маъруза	Амал. (сем)	Муст. Таълим
1.	Логистика курсининг предмети вазифаси.	8	4	2	2
2.	Логистик тизимларда товар харакатини бошқариш..	8	4	4	
3.	Логистик тизимларнинг турлари ва тамойиллари.	8	4	2	2
4.	Логистик тизимни яратиш.	8	4	4	
5.	Логистик тизимда омборлар	8	4	2	2
6.	Логистик тизим омборларни бошқаришни автоматлаштириш..	8	4	4	
7.	Логистика корхоналарини бошқариш	8	4	4	
8.	Корхонада логистика сохалари.	8	4	2	2
9.	Сервес хизмати логистикаси	8	4	4	
ЖАМИ:		72	36	28	8

Суз боши

Узбекистоннинг иктисодий ва ижтимоий сохаларда юкори натижаларга эришиши, жохон иктисодиет тизимида уз урнини топиши, инсон фаолиятининг барча сохаларида замонавий фан ютукларидан юкори даражада фойдаланишнинг куламлари кандай булишига хамда бу фанлар ижтимоий мехнат самарадорлигинг ошишида кандай рол уйнашига бевосита боглик.

Иктисодиетда бозор муносабатларига утиш жамият иктисодий – ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига кибернетика соҳасида эришилган энг сунгги ютуқларини тадбик этиш суръатларини янада тешлаштириб юборда.

Кибернетика фанига дахлдор Логистика муаммоси илмий ва амалий жихатдагн дуне олимлари ва мутахассислари томонидан кенг тадқиқот ва муҳокама қилинмоқда.

Хорижий амалиёт таъқидлашича ҳақиқатдан ҳам биз бозор муносабатлари соҳасида жадал ривожланаётган инфраструктура ва янги илмий йуналишни гувоҳи булмоқдамиз. Бу инфраструктура замонавий илм ва техниканинг хусусан замонавий кибернетика фанининг ютуқларига асосланади. Логистика муаммоси олимлар ва иш билармонлар, муҳандислар ва менежерлар эътиборини узига жалб қилмоқда. Айрим гарб мамлакатларида у давлат микесида ҳал қилинмоқда. Хар йили халқаро кенгашлар, анжуманлар ва конгресслар утқазилмоқда, уларда логистиканинг назарий ва амалий муаммолари муҳокама қилинмоқда. Жумладан Швейцарияда логистика буйича Европа маркази фаолият курсатмоқда. Гарбий Европанинг қатор шаҳарларида менежерлик йуналиши билан мутахассислар тайерлаш буйича илмий ва укув марказлари фаолият курсатмоқда.

Йирик савдо – саноат фирмалари қошида Логистика буйича булимлар ташкил қилинган. АКШ ва Англия университетлари, Дордмунд ва Бремен шаҳарларидаги савдо ва таксимот институтлари, Будапешт ва гарбий Берлиндаги техника университетларида Логистика фан сифатида уқитилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам Тошкент давлат Иктисодиет Университетида 1996 йилдан бери бу фан уқитилиб келинмоқда. Логистиканинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш топшириқларини режалаштириш, иш сифатини назорат қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш режасини, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қисмларига таксимлаш, юқларни транспортировка қилишни режалаштири, юқларни тайерлаш, сотиш ва назорат қилишни ташкил қилиш қабилардан иборат.

Фанни узлаштириш давомида талабалар қуйидаги билимларни эгаллашлари лозим.

- Логистик тизим тушунчалари ва концепцияни;
- Логистиканинг функционал соҳалари ва уларнинг характеристикаларини;
- Логистикада моддий ресурсларни бошқариш ва таксимланишини ташкил этишни;
- Моддий оқимлар ҳаракати схемаси характеристикасини;
- Логистик тизимда маҳсулотларни таксимлаш каналларини;
- Логистиканинг транспорт жихатларини;
- Моддий оқимларни башоратлаш;
- Хар хил турдаги транспортларни моддий техник базасини;
- Логистик тизимда захираларни бошқариш;
- Логистик тизимда омборлаштириш тизими ва маҳсулотларни омборга қайта ишлашни;
- Логистик тизимда омбор ишларини техник –иктисодий курсатқичларини;
- Логистик тизимда нарх сиесати; ва Логистикада нарх стратегияси;
- Моддий оқимлар бозорида нарх шаклланиши ва мувозанати;
- Логистик информацион тизимлар;
- Информация ердамида логистик тизимни ҳаракатга келтириш;
- Логистикада тесқари алоқа билан информацион тизимларни бошқариш;
- Маркетингда логистика;
- Моддий-техник таъминот бошқаришда логистика қабилар.

1-МАЪРУЗА . Мавзу: Логистика курсининг предмети ва вазифаси.

Режа:

1. Логистиканинг вужудга келиши ва моҳияти.
2. Логистиканинг йуналишлари.

3. Логистиканинг асосий мақсади
4. Логистика тамойиллари.
5. Логистика концепцияси.

Адабиётлар: 1,5,6,8,14,16,18

Таянч иборалар.

- Логистика
- ҳисоблаш
- таксимлаш
- тизим

1.1 Логистиканинг вужудга келиши ва моҳияти.

Логистиканинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи, мутахассисларнинг фикрига қура, XIX асрдан бошланади. Логистика юнончадан таржима қилинганда-**ҳисоблаш, таксимлаш** деган маънони англатади. Аммо, уни харбий иш билан, харбий муаммолар билан боғлайдилар.

Логистика буйича олиб борилган ишларнинг биринчи муаллифларидан XIX асрдаги француз харбий мутахассиси А.Т.Жомини ҳисобланади, у логистикани "**қушинлар харакатининг амалий санъати**" сифатида таърифланган. Шунинг билан бирга у таъкидлаганки, логистика уз ичига нафакат **ташишни, балки режалаштириш, бошқариш ва таъминот, қушинини жойлаштириш жойларини аниқлаш** ҳамда **қуприклар, йуллар қуриш** масалаларини ва бошқаларни ҳам олади. Логистиканинг айрим қоидалари Наполион армияси томонидан қулланилган. Баъзи бир олимларнинг фикрича, логистика атамаси биринчи марта харбийлар томонидан ишлатилган. Масалан, 1905 йилда майор Чапси Б.Бейкер «**армиянинг харакати ва жойлашишига тегишли уруш олиб бориш санъати логистика деб аталади**», -деб ёзган. Иккинчи жаҳон уруши давомида харбийлар логистика моделлари ва қушин жойлашган жойни аниқлаш учун таҳлил тизими шаклларида самарали фойдаланганлар.

Харбий фан сифатида шаклланган логистика XIX асрнинг урталарида ривожлана бошлаган, лекин уни амалда қуллаш жаҳон уруши йилларида Европада жойлаштирилган Америка армиясининг моддий техника таъминотида қулланилган. Харбий саноат комплекси, транспорт тизими ва таъминот баъзаларининг узаро аниқ ҳамкорлиги туфайли Америка армиясини қуроллари ва харбий материаллар билан барқарор таъминлашни ташкил қилишга эришилган. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилишда контейнерлар ва халталар билан ташишни қуллаш анча ёрдам берган. Харбий булмаган соҳада логистиканинг ривожланиши 70-йиллар бошига тугри келади ва 1972-1974 йиллардаги энергетик инкироз билан боғлиқ. Бу даврда Европа мамлакатлари ва АКШда иқтисоднинг анча ёмонлашуви, пул қадрсизланишининг усиб бориши ва ишсизлик, ижтимоий портлашни қутиш иқтисод соҳасида барқарорлаштириш ва вазиятни яхшилаш буйича, шошилиш чораларни ишлаб чиқишни талаб қилган. Шунда мутахассислар **таъминот интеграцияси, транспортни ишлаб чиқиш, бозорда компьютер техникасини қуллаш орқали таксимлашни самарали шаклларида бири сифатида логистикага** мурожат қилганлар. Бу қудратли гоёт самарали инфраструктурани ташкил қилишга имкон берган. Логистика Гарбий мамлакатлари ва Японияда ривожланиши ишалб чиқарувчиларни бозор ҳолати ва рақобатга тез эътибор беришлари зарурлиги, тез узгараётган шароитларга мослашишга харакат қилишлари билан рағбатлантирилади.

1.2. Логистика йуналишлари

Логистикани моддий ресурсларни жисмоний таксимлаш, ушбу жараёни техник, технологик, ташкилий таъминлаш ҳақидаги алоҳида фанга ажратиш илмий-техник тараққиёт натижалари таъсири остида содир булади ва маҳсулот муаммолари жараёнини ташкил қилувчи элементлар **уч йуналишга** аниқ таксимланган:

1. Бозор тадқиқоти, истеъмолчилар захираларини аниқлаш, рақиблар тақлифлари ва истеъмолчилар талабларини урганиш ва бозор иқтисодиётининг бошқаришнинг бошқа

услугларидан фойдаланиш асосида сотиш бозори, уларни кулга киритиш, кенгайтириш, сақлаб қолиш асосида амалга ошириладиган рақобат кураши;

2. Махсулотларини сотиш бозорларини аниқлаш ва моддий ресурслар муомаласи жараёнининг барча босқичлари уларнинг барча жисмоний ҳаракатлари бўйича ҳамма операциялар аниқ ва мукамал уйлаб чиқилган, режалаштирилган ва ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишга муважжалланган истеъмолчилар буюртмалари бўйича ташкил қилинган;

3. Махсулотлар муаммоси ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида товар ҳаракати бўйича ахборотлар ҳаракатини тартибга солиш қабилардир.

Ҳозирги биз «Логистика» атамасининг моҳияти ва таърифга жудаям яқинлашган бўлсак ҳам, унинг таърифи бир хил маънога эга бўлмаганлиги ва муаммога қарши рақурсини турлича эканлиги туфайли буни қилиш осон эмас. Масалан, маркетинг соҳасида фаолият курсатувчи менежер ва ишбилармон нуктаи назаридан логистика қуйдагича таърифланади: **бу - белгиланган вазифаларни хал қилиш учун зарур бўлган воситаларни ва хизматларни мақсадга мувофиқ тайёрлаш ва ишлашнинг ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш.**

Талаб, таъминот, ишлаб чиқариш, транспорт ва махсулотлар тақсимлашнинг узаро аниқ ҳамкорлигига суянган ҳолда логистика иқтисодийнинг баъзи бир ишлаб чиқариш инфраструктураси сифатида қуриб чиқилади.

Назарда тутиладики, тақсимлаш соҳасида истеъмол ва талаб хизмат қилади, шу нуктаи назардан - **бу ишлаб чиқариш, моддий техник таъминот, сотиш ва транспортнинг узаро энг қулай, ҳамкорлигини таъминловчи истеъмолчиларни моддий ресурслар билан таъминловчи ишончли тизимни ташкил қилувчи бошқарув тизими.** Санаб утилган логистика тизимнинг (ЛТ) ташкилий элементларини узаро даврий ҳамкорлиги қуйдаги шаклда келтирилган. Ишлаб чиқарувчи, махсулотлар истеъмолчилари ва транспортни интеграция қилувчи, ахборотларнинг тегишли оқимлар билан қўштишиб турувчи қўш нуктаи назарли мураккаб тузилма бўлиб, бозор инфраструктурасининг зарурий элементи бўлади ва концептуал ёндошиш ва унинг фаолият курсатишининг таҳлили нуктаи назаридан бафсил урганишни талаб қилади.

	Транспорт, тақсимот		
Ишлаб чиқариш	Жўнатиш бекати	Етиб келиш бекати	Истеъмол
Экспедиция			Экспедиция
Сақлаш			Тушириш
Ортиш	Транспортнинг ахборот тизими		Сақлаш
Таъминотчи қўшнинг ахборот тизими			Истеъмолчи қўшнинг ахборот тизими
	Ахборот логистик тизими		

1.2 Концепция. Логистика фалсафаси.

Логистика тулик ҳолда истеъмолчи учун ишлайди, чунки логистиканинг асосий мақсади юқларни «just in time» аниқ муддатда энг кам меҳнат ва моддий ресурсларни сарфлаган ҳолда етказиб беришдан иборат. Хомашё, материаллар ва тайёр махсулотларни «аниқ муддатда» етказиб бериш бутун иқтисодий тизимнинг фаолият курсатишга яхши таъсир курсатади ва оғборлардаги захираларни сезиларли даражада қисқартиришга имкон беради.

Логистика сотиш вазифасини бажарилиши «6R» оркали, яъни олтита «**riching**» шартга: **юк, сифат, микдор, вақт, харажатлар ва етиб келиш жойига риоя қилган** холда амага оширилади деб ҳисоблаш уринли. Логистика тизимнинг самарадорлиги моддий оқимларни: идишларни сотиш буйича комплекс тадбирларни амалга ошириш, юк бирликларини бир шаклга келтириш, оморга жойлаштиришнинг самарли тизимини амалга ошириш, буюртмалар микдори ва захиралар даражасини мувофиқлаштириш, корхоналар, улгуржигузорчи фирмалар оморхона иншоотларида ва магистрал транспортда юклар ҳаракатини энг қулай маршрутларини танлашнинг таҳлилини талаб қилади. Логистика тизимининг қурилиши ва фаолият қурсатиш қуйдагича концептуал қоидаларга асосланиши керак:

ЛТ барча элементлари интеграция ва узаро аниқ ҳамкорлик намоён бўлувчи тартибли ёндошиш: яъни усқуналарнинг алоҳида турларини яратишдан ишлаб чиқариш - оморхона ва ишлаб чиқариш - транспорт тизимини яратишга утишда ишлаб чиқариш транспорт тизимининг ягона техналогик жараёнини амалга ошириш;

Махсус кутариш транспорт усқуналарини яратиш ва ишлатиш;

Иқтисодий талабларга жавоб берувчи замонавий меҳнат шароитларини яратиш;

Бозорни мулжаллаш билан бутун логистик занжир давомида харажатлар мажмуасини ҳисобга олишга;

Замонавий даражадаги сервис хизматларини ривожлантириш, эпчиллик, ишончилилик ва юкори сифатини таъминлаш қабилардан иборат. Қоидага қура, ЛТ ташқи муҳитнинг ёркин ифодаланган ноаниқлиги шароитида фаолият қурсатади, чунки бозор ҳолати, транспорт ишида тасодифий жараёнлар ҳосдир. Шунинг учун мослашиш қобиляти, юкори ишончилилик ва унинг барқарорлигини таъминлаш ЛТ нинг муҳим хусусиятларидан булиши керак, бу ишлаб чиқариш, сотиш ва тасимлашни ишончи стратегик режалаштирилишини таъминлайди.

Гарбий мутахассисларининг фикрича стратегикрежалаштириш рақобат қурашида қудратли қурол булади. Бунда турли хил моделлар ва услублардан фойдаланилади. Стратегик режалаштириш - ижодий жараён ва у қупрок даражада ҳаракатга қура, мақсадга мулжалланган. Стратегик режалаштириш асосида техник режлар занжири генерация қилинади, ҳар қуни «**Just in time**» жараёнини амалга ошириш учун илдам вазиятларида мақсадлар ва ҳаракатларнинг бир шакли юзага келтирилади.

Логистик тизимнинг самарадорлиги ва барқарорлиг факат замонавий техник гуоситаларни қуллагандагина мумкин. Аҳборот оқимларини энг қулай бошқариш учун техник замин булиб қуп даражали интеграция қилинган аҳборот тизими хизмат қилади. Шунинг учун ЛТ юкори самарадорлигининг асосий шарти логистика, маркетинг, кибернетика ва ҳисоблаш техникасидан самарали ва оқилона фойдаланиш булиб қолади.

Назорат саволлари.

1. Логистика фани ва қайси соҳада қачон вужудга келган?
2. Логистика терминининг лугавий маъноси нимани англатади?
3. Ҳарбий булмаган соҳада логистика қачон вужудга келган?
4. Логистик тизимнинг таркибий қизмасини тушунтиринг.
5. Логистикани асосий мақсади нимадан иборат?
6. Логистикада "6R" нимани англатади?
7. Логистика қандай қонцентруон қоидаларга асосланади?
8. ЛТ юкори самарадорлигининг асосий шарти нимадан иборат?
9. Стратегик режалаштиришнинг вазифаси нимадан иборат?
10. ЛТ да товар ҳаракатини бошқариш уз ичига нималарни олади?

2-Мавзу: Логистик тизимларда товар ҳаракатини бошқариш.

Режа:

1. Логистик тизимларда товар ҳаракатини бошқариш.
2. Моддий-техника таъминотида логистиканинг роли.

3. Логистик канал ва занжирлар

4. Моддий-техника таъминотида логистиканинг вазифаси.

Адабиётлар: 1,5,6,8,14,16,18

Таянч иборалар.

- логистик тизим
- талаб
- таъминот
- интеграция
- инфраструктура
- “Just in time”
- “riching”
- юк, сифат, миқдор, вақт, жаражатлар, етиб келиш.

1.1. Логистик тизимларда товар ҳаракатини бошқариш.

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида товар ҳаракатини комплекс ривожлантириш товарларни муомаласи жараёнида уларнинг ҳақиқий ҳаракатини таъминлаш бўйича вазифалар мажмуаси билан боғлиқ хужалик фаолиятидаги энг келажаги порлок ва куп киррали йуналишлардан бири булади.

Уларга қуйдагилар киради.

- хужалик алоқаларининг шаклланиши;
- махсулотларни ташишга, уларнинг ҳажмлари ва йуналишлари, кетма-кетлиги, махсулотларни оморга жойлаштириш жойлари орқали ҳаракатланишнинг бугинларига эҳтиёжни аниқлаш;

- захираларни шакллантириш;
- етказиб беришлар ва ташишларни илдам бошқаришни мувофиқлаштириш;
- махсулотлар захираларини тиклаш ва тартибга солиш; оморхона хужалигини ривожлантириш, жойлаштириш ва ташкил этиш, махсулотларни ташишдан бевосита олинган ва уни тугатувчи операцияларни бажариш.

Логистика вазифининг ривожланиши ташкилий тузилмаларининг узгаришига: уларни амалга ошириш шароитига мослашуви, ишлаб чиқариш бугиндаги тижорат хизматлари ишларини такомиллаштиришга тугридан - тугри таъсир қилади, тижорат-воситачилик фирмалари булимларининг ихтисослашишига кумаклашади

Хисоб-китоблар курсатадики, товарлар ҳаракатини воситачиларнинг оморхона корхоналари, таъминот ва сотиш хизмати, саноат корхоналари ва транспорт ташкилотлари оморлари ва базалари орқали интеграциялаштирилган бошқарувини ривожланиши оқибатида мақсадга мувофиқ булмаган қайтадан оморхоналарга ташишлар 1,5-2 мартадан ортикка қисқаради.

Шуниси ҳарактерлики, товар ҳаракати соҳасида истеъмолчиларнинг доимий ушиб боровчи талабларини қондиришга кетган жаражатлар урнини қопловчи анча катта резервларнинг топилиши хорижда логистика ривожланишининг асосий омил булган: бу босқичда логистикани ташкил қилишга жаражатлар, оморларни қулай жойлаштирилиши, етказиб берилган махсулот тупларининг микдори, оморхоналар ва истеъмолчиларга хизмат курсатиш жараёнидаги ортиш-тушириш ишларида янги технологияларни қуллаш ҳисобига қопланади.

Эксперт баҳолари шуни курсатадики, логистика захиралар даражасини 30-50% га, махсулотлар ҳаракат вақтини эса 25-40% қисқартиришга имкон беради. Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида республика ва МДХ нинг бошқа мамлакатлари ҳудуди қуламида юк оқимларини давлат томонидан тартибга солиш билан товар ҳаракати иштирокчиларининг хужалик ташаббуслари ва манфаатдорликларини бирлаштириш учун имкониятлардан фойдаланиб товар ҳаракатининг мувофиқлаштирилган бошқарувини таъминлаш айниқса муҳим. Товар ҳаракатини ташкил қилишнинг комплекслиги ягона организм сифатида

логистик вазифаларнинг ривожланиши ва амалга ошириши давлат ва нодавлат тузилмаларда товар харакати билан боглик барча таркибий тузилмаларда уларни амалга ошириш: махсулотларнинг харакати, сакланиш ва захираларини тутиб туришга харажатлар микдорида иктисодни таъминлашдан иборат булади.

Бозор муносабатлари шароитда таъминотчилар ва истеъмолчилар хужалик алокаларининг такомиллаштирилиши натижасида уларнинг воситачи ташкилотларнинг харажатларининг тежалиши, ташишни, ортиш-тушириш ва омборхона операцияларини ташкил килишни яхшилаш, транспорт ташкилотлари томонидан бозорнинг бошка субъектлари билан ташишнинг келишилган шартларига: ташиш киймати ва харажатларни камайтиришга риоя килиш рағбатлантиришнинг асосий объекти булади.

Хужалик алокаларини такомиллаштириш хаммадан олдин таъминот шаклини танлашдан иборат булади:

- бевосита таъминотчи корхонадан;
- улгуржи воситачи омборларидан;

Тугридан тугри етказиб беришлар каби воситачилар оркали етказиб бериш хам бир катор афзалликлар ва камчиликларга эга, моддий ресурсларни бевосита таъминотчилардан олишида етказиб бериш жараёни тезлашади, транспорт тайёрлаш харажатлари анча камаяди. Аммо корхона эхтиёжи катта булганда ва тулов кобилияти тулик булмаган шароитда, хисоб-китоблар мураккаблигида тугридан-тугри етказиб беришлар ишлаб чикариш захираларининг куйишига, барча керакли материаллар захираларининг мумкин булмаслиги, хисоб-китобларнинг мураккаблашишига олиб келади. Моддий ресурсларни улгуржи воситачилар оркали етказиб бериш материалларни эхтиёжлардан келиб чиккан холда хохлаган микдорларда олишга имкон беради, бу кушимча харажатларни талаб килади. Товар харакатини танлашни асослаш жараёнида куйдаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$P = < \frac{K(V-b)}{C_{улг} - C_{туг}}$$

бу ерда:

P - улгуржи воситачилар оркали табиий улчовларда олиш иктисодий максадга мувофик булган материалларнинг энг катта микдори;

K - ишлаб чикариш захираларини саклаш буйича умумий харажатлар коэффиценти, фоизларда;

V, b - тугридан - тугри етказиб беришлар ва улгуржи воситачилар оркали табиий улчовларда етказиб берилган тупларнинг уртача микдори.

C_{улг}, C_{туг} - улгуржи воситачилар оркали ва тугридан - тугри етказиб беришда материалларни етказиб келиш ва саклаш буйича харажатлар микдори улгуржи нархларга нисбатан фоизларда.

Масалан, «иргидромаш» ишлаб чикариш бирлашмаси 60 т. металл прокати олади, улгуржи воситачилар оркали эса 6 т. транспорт-тайёрлаш харажатлари микдори улгуржи воситачилар оркали етказиб беришда 4% ,тугридан тугри етказиб беришда 8% ишлаб чикариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффиценти йилига 15% булса, металл махсулотларига йиллик эхтиёж 108 т. дан ёки тенг булгандагина улгуржи воситачилар оркали етказиб бериш самарали булади.

$$P = < \frac{15(60-6)}{85-1} = < 108 \text{ tonna}$$

Товар харакати каналининг энг маъкул танловини аниклашда яна материаллар барча нав ва улчамларига буюртмаларнинг зарурлиги, улгуржи воситачилар ишининг мавжудлиги ва характери ва бир катор бошка шартларини хисобга олиш керак. Хисоб-китобларни

соддалаштириш учун маълумотлар баъзасини тузиш мақсадга мувофиқдир, улар товар харакатининг турли хил шакллари кўлланишда ортиш ва транспорт-тайёрлаш харажатлари меъёри турли хил бўлган материалларнинг айрим турлари учун жадвал кўринишида тузилиши мумкин.

2.2. Моддий-техника таъминотида логистиканинг роли.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиш шароитида хоҳлаган тизимнинг фаолият курсатиши талаб ва таклифга боғлиқ ва ресурсларни қайта таксимлашга уни мажбур қилади. Буларнинг ҳаммаси қуйдагиларга олиб келади:

- хоҳлаган тизим унга энг катта фойда олиш таъминловчи қарорлар қабул қилишга ҳаракат қилади;

- фойданинг энг катта бўлишига тизимнинг фаолият курсатиши билан боғлиқ харажатлар энг кам бўлганда эришилади;

- тизимнинг қандай даврда қандай харажат қилишига боғлиқ.

Қисқа муддатли даврда фақат ишлаб чиқаришнинг киритилаётган узгарувчан омиллари узгаради, бошқа барча ҳолатларда маҳсулот бирлигига энг кам харажатларга эришишга ҳаракат қилиб қайд қилинган ҳолда қолади.

Узоқ муддатли даврда барча киритилаётган ресурслар узгаради ва тенглик қаноатлантирилгунча қадар А ресурслари В ресурслари билан алмашади.

$$MP_a / P_a = MP_b / P_b$$

Қорхона ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда моддий-техника таъминоти ташкил қилнади, у маҳсулотларни режалаштиришдан ишлаб чиқишгача боғлиқ бўлди.

Маҳсулотларни режалаштириш - уни ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг барча турлари бўйича мунтазам қарорлар қабул қилишдир.

Буюмларнинг янги турларини танлаш содир бўлади, савдо маркази ва идишлар яратилади, оммавий ишлаб чиқариш ва сотиш каналлари йулга қуйилади, узлаштирилган буюмларнинг ишлаб чиқарилиши кенгайтирилади ёки қисқаради, эскирган ёки талаб қилинмаётган товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ҳақида қарор қабул қилинади.

Қорхона томонидан чиқарилаётган барча товарлар мажмуаси, қандайдир қура, товар навлари деб аталади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида бизнинг ички бозоримизда пайдо бўлган рақобат қураши бу жараёнга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда, айниқса моддий ресурсларнинг етишмаслиги, нархларнинг беқарорлиги, уларга олдиндан ҳақ тулаш зарурлиги шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш муносиб моддий техника таъминотига боғлиқ. Бу моддий ресурслар етказиб бериш бўйича тижорат-воситачилик қорхоналарга тегишли. Эски анъанавий тизим бўйича етказиб беришлар қуйдагича чизма бўйича амалга оширилган:

Истеъмолчи

Таъминотчи

Давлат таъминот тизими

Республикада бозор иктисодиётининг ривожланиши бир томондан таъминотчиларнинг танлаш эркинлигига, иккинчи томондан куп каналли товар харакатига олиб келган. Чизмадан куришиб турибдики, каналлар тугридан - тугри ва воситачили булиши мумкин. Тугридан - тугр канал моддий ресурсларни мустакил воситачиларни четлаб утиб, бевосита ишлаб чикарувчилардан олишни таъминлайди, бу уларни харид килишда харажатларнинг анча камайишига имкон беради, воситали аналлар мустакил воситачилар билан алокаларни тахлил килади, бу эса, коидага кура, товар кийматининг ошишига олиб келади. Шунинг билан бир вақтда, мамлакатимиз ва хорижий тажрибалар шуни курсатадики, бу шакл моддий таъминотнинг ишончилигини таъминлайди ва махсулотишлаб чикариш режасини бажармаслик ва шартнома мажбуриятларинингбузилиш окибатида йукотишлар хатарини камайтиради.

Товар харакати каналини танлаш моддий ресурсларнинг турлари, уларнинг киймати, тулов шакли, материалларни етказиб бериш шarti ва х.к.ларга боглик.

Хорижий тажриба курсатадики, товар харакатининг энг маъкул канали махсулотларини «**аник муддатда**» энг кам харажатлар билан таъминловчи, логистик каналдир.


2.3. Логистик канал ва занжирлар


Логистик канал - бу кисман тартибга солинган, таъминотчи, истеъмолчи, ташувчи (дилерлар), сугртачилардан иборат куплик. Бозор иктисодиёти шароитида истеъмолчи танлаш хукукига эга, бундан кейин, логистик канал логистик занжирга узгаради.

Логистик занжир - бу тартибга солинган жисмоний ва юридик шахсларнинг куплиги, улар ташки моддий окимларни бир логистик тизимдан бошқасига етказиш буйича логистик операцияларни амалга оширишда ва ишлаб чикарувчилар, истеъмолчилар, воситачилар ва ташувчларни бирлаштиради.

Моддий техник таъминотида логистик тизим самарадорлиги сезиларли даражада логистик даврга, яъни махсулотлар етказиб беришга буюртмаларни расмийлаштириш ва истеъмолчи омборга ет-казиб бериш уртасидаги вақт оралигига боглик. Куйидаги чизмадан куришиб турибдики, буюртмаларни бажаришга энг кам вақт ва «**аник муддатда**» етказиб бериш логистик тизимнинг мезонлари булади.

Бизнинг фикримизча, корхона моддий техника таъминоти жараёнларини амалга оширишда логистик тизимни куллаш харажатларини энг кам килишга имкон беради ва истеъмолчиларни «**аник муддатда**» таъминлашга, бу эса умуман таъминот хизматининг самарадорлигини оширади.





Таянч иборалар.

- Логистика –юнончадан таржима килинганда хисоблаш , таксимлаш деган маънони англатади.
- Хисоблаш - янги технолгоялар ,ЭХМ оркали щисоблашларни олиб бориш.
- логистик тизим –моддий ресурсларни бошқариш ва таксимланишини ташкил этиш
- интеграция –таъминот интеграцияси.
- “Just in time”-аник муддатда энг кам мешнат ва моддий ресурсларни сарфлаган холда етказиб беришдан иборат..
- “riching” – б-шарт юк,сифат, микдор, вақт, харажатлар ва етиб келишга риюя қилган холда амал қилади.

Назорат саволлари.

- 1.Логистик тизимнинг таркибий чизмасини тушунтиринг.
- 2.Логистикани асосий мақсади нимадан иборат?
- 3.Логистикада "6R" нимани англатади?
- 4.Логистика қандай концентуон қоидаларга асосланади?
- 5.ЛТ юқори самарадорлигининг асосий шарти нимадан иборат?
- 6.Стратегик режалаштиришнинг вазифаси нимадан иборат?
- 7.ЛТ да товар харакатини бошқариш уз ичига нималарни олади?
- 8.Ички ва ташқи товар харакати жараенини чизма асосида тушунтириб беринг?
- 9.Товар харакати танлашни асослаш қайси формула оркали амалга оширилади?
- 10.Товар харакати тизимини тушунтиринг?
- 11.Логистик канал, логистик занжир, логистик циклларнинг мохияти нимадан иборат?

Маъруза-3. ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ РЕЖА

- 1 Логистик тизимларнинг турлари.
- 2 Логистик тизимнинг тамойиллари.
- 3.Маркетингда логистика.
- 4.Энг муҳим умумий вазифалари
- 5.Логистиканинг илмий йуналиши.

Адабиётлар: 2,4,6,8,10,12,17

Таянч иборалар.

- **Ахборот оқими**
- **логистик тизим**
- **процессуал**
- **товарлар таъминоти**

3.1. Логистик тизимларнинг турлари.

Логистик тизимлар куйдаги аломатлар буйича фаркланади:

1. Кулами буйича:

- * микроиктисодиёт тизимлар (саноат корхонаси доирасида);
- * микроиктисодий тизимлар (мамлакат, худуд ёки мамлакат лар гуруҳи куламида);
- * метадогистик тизимлар - бу алоҳида турдаги товарлар ёки оварлар гуруҳларининг таъминоти, ишлаб чиқариш ва сотиш алоҳида тизимларнинг мажмуаси.

2. Тайёрлаш ва куллаш даражаси буйича:

- * логистик тизимлар ва жараёнларни таҳлил қилиш, режалаштириш, лойхалаштириш ва конструктив расмийлаштириш буйича вазифаларни тайёрлаш;
- * логистик жараёнларни бошқариш, назорат қилиш ва утқизиш буйича вазифаларни амалга ошириш;
- * логистик кувватлар ва тизимлар унимдорлигининг ҳисоб-китоблари буйича вазифалар.

3. Хизматининг белгиланиши буйича:

- * транспорт логистикаси (ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш, омборги жойлаштириш, таксимлаш);
- * ишлаб чиқариш логистикаси;
- * савдо соҳасида логистика;
- * хизмат курсатиш соҳасидаги логистика.

4. Жараённи мулжалланганлиги боғлиқ моддий оқимларнинг изчиллиги буйича:

- * таъминотда логистика;
- * ишлаб чиқариш логистика;
- * омбор логистика;
- * транспорт логистикаси;
- * идишларга жойлаштириш жараёнида логистика;
- * маҳсулотларни сотиш соҳасида логистика;
- * эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш логистикаси;
- * ишлаб чиқариш чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида логистика.

5. Логистикадан фойдаланиладиган соҳалар буйича:

- * тадбиркорлик фаолият;
- * тиббиёт;
- * харбий иш;
- * қурилиш;
- * Таъминот (харид қилиш) логистикаси тадбиркорлик логистикасининг булими булиб ва у куйдаги масалаларни камраб олади;
- * бозорда керакли хомашё материаллар, қисмлар ва х.кларни харид қилиш;

* келиб тушган юкларни кабул килиш, уларни назорат килиш, синаш;

* корхонага келган юкларни ташиш ва омборга жойлаштириш.

Таксимлаш ва сотиш логистикаси тадбиркорлик логистикасининг якуний кисми хисобланади ва буюртмачи билан ишлаб чиқарувчиларнинг алоқасини таъминлайди.

У куйдагиларни уз ичига олади:

* буюртмаларнинг бажарилишини ташкил этиш;

* омборга жойлаштириш ва ташиш;

Алохида шаҳарлар, ҳудудлар доирасида шаҳар ва ҳудуд логистикаси хақида гапириш мумкин: у моддий ва ахборот окимларини ҳудудий кесимда-яъни ҳудуд, шаҳар ёки минтака куламида ташкил қилинади. Шаҳар ёки ҳудудий логистикада ҳудудий омборлар ёки таксимлаш марказларига муҳим аҳамият берилади.

3.2. Логистик тизимнинг тамойиллари.

Иктисодий алоқаларда мавжуд тусикларни аста-секин янада жипсрок интеграциялашга имкон беради, логистик жараёнлар ва уларни бажаришга талабларни оширади.

Шу сабабли логистик тизимнинг яратилиши ва фаолият курсатилишининг бир неча тамойилларини келтириш мумкин.

1. Мулжалга олиш логистик процессуал тузулмаларнинг шаклланиши учун асос булади, улар таъминотчидан савдо ва сотиш буйича оралик бугин орқали охириги истеъмолчига узаро боғланган ҳолда утади;

2. Хизмат курсатилаётган жараёнларда уларнинг вазифавий улчамларини саклаб қолиш ва иктисодий натижаларни яхшилашда моддий окимларни мувофиқлаштириш ва уларнинг тезлигини ошириш.

3. Айрим логистик вазифалар тегишли самара билан мувофиқлашнинг умумий мезонлари каноатлантирилган шароитида марказлаштирилишдан чиқарилади ва мухтор ҳал қилинади. Тизимли комплекс ёндошиш афзалликларга эга.

4. Ишлаб чиқариш, моддий-техник таъминоти ва маҳсулотларни сотиш буйича барча логистик операциялар корхона стратегияси билан ҳамма вақт боғланган бўлиши керак.

5. Корхонада таъминот, транспорт, захираларни бошқариш, омборга жойлаштириш, таксимлаш, ахборот окимларин бошқариш билан шугулланувчи ягона хизматни ташкил қилиш зарур.

6. Логистик тизим таркибига маълумотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлашни таъминловчи интеграциялаштирилган ахборот тизими ҳам қириши мумкин.

7. Логистик тизим керакли ходимлар билан таъминланиши керак.

8. Корхона, уз ривожланишининг стратегиясини ишлаб чиқишда барча ишловчилар-таъминотчилар, тижорат-воситачилик фирмалари, брокерлар, дистрибьютерлар, истеъмолчилар билан янги алоқаларни урнатиш керак.

9. Корхонада (фирмада) муваффақиятли ишлаш учун таъминот, сотиш, транспорт, алоқа, ишлаб чиқариш бўлимлари, ахборотни қайта ишлаш тизимлари уртасида, фирма ичида яқин алоқалар урнатилиши керак.

10. Истеъмолчиларга хизмат курсатишнинг энг маъқул даражасини аниқлаш зарур.

11. Корхона (фирма)нинг олти шартини уз ичига олган самарали логистик фаолиятга эриши керак.

Юк, сифат, миқдор, вақт харажатлари, етказиб бериш жойлари. Булар куйдаги вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади:

1. Моддий окимларнинг чуқур таҳлил.

2. Мехнатни рационаллаштириш.

3. Юк бирикларини бир хил шаклга келтириш.

4. Омборга жойлаштиришнинг самарали тизимини қуллаш.

5. Буюртмалар миқдори ва захиралар даражасини мувофиқлаштириш.

6. Транспортда энг кулай маршрутларни танлаш.

7. Омборхона корхоналарида тарнспорт, омборхона ишларини рационаллаштириш.

Шундай килиб, логистик тизимдан маънавий ва моддий рағбатлантириш услубларининг бутун захираларини куллаш билан юкори малакали ходимлар ишини усталик билан ташкил килувчи ва хизмат курсатувчи корхона (фирма) фойдаланиши мумкин.

3.3. Маркетингда логистика.

Корхонани бошқаришда маркетинг фаолияти, ҳаммадан аввал, ишлаб чиқаришни мулжалланган фойдани олишга имкон берувчи рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришга мулжалланганлигини яна асослаш учун бошқаришга, бозор талабини ҳисобга олишга йуналтирилган.

Корхонани бошқариш тизими сифатида маркетинг узининг хусусиятларига эга ва шунинг учун узининг шахсий методологик асосларига: тамойиллар, вазифалар, ташкилий тузилма, ахборот базасига эга.

Бошқарув тизими сифатида асосий тамойиллар қуйдагилардан иборат:

энг янги рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарилаётган ёки модернизация қилинаётган махсулотлар билан самарали бириктиришга йуналтирилган корхонанинг фаолият қусатиши ва ривожланиши белгиланган максадлари ва стратегияларини танлаш;

* корхонанинг потенциал имкониятлари ва ишлаб чиқариш резервларидан энг яхши фойдаланишга мулжалланган маркетингдасурларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш харажатларини қискартириш;

* ишлаб чиқаришнинг самардорлигини ошириш учун янги шакл ва воситаларни доимо кидириб топиш;

- янги технологияларни куллаш, янги махсулотлар ишлаб чиқариш учун керакли шароитларни яратиш.

Тамойилларга мувофиқ қуйдагилар маркетингнинг асосий вазифалари буладилар:

* сифатга, техник-иктисодий улчамларга, махсулотларни экологик, эргономик бозор эҳтиёжи, харидорлар суровлари талабаларини комплекс ҳисобга олиш;

* иктисодий ҳисоб-китоблар: махсулотлар қиймати, киритилган сармоялардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни моддий, молиявий ва сехнат ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, фойда даражаси асосида ишлаб чиқаришнинг энг маъқул тузилмасини яратиш;

* энг маъқул сотиш каналлари, товар харақати тизимларини танлаш, сервис хизмати курсатишни ташкил қилиш, рағбатлантириш тизимларини куллаш;

* самарадорлиги корхона фаолиятининг якуний натижалари билан аникланадиган энг асосланган қарорларни қабул қилиш.

Маркетинг вазифаларини амалга ошириш бозор билан қарама-қарши алоқа урнатишни кузда тутати. Бу шунинг билан боғлиқки, ишбилармонлик фалсафаси сифатида маркетингда марказий жой бозор эҳтиёжларини етарли тулик ҳисобга олишга эришишга мулжалланган корхонанинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятларини бошқаришни ташкил қилишни мувофиқлаштиришга берилади. Маркетинг назарияси бошқарув фаолияти маркетингги вазифасининг ривожланиши зарурлигини асослаш заминиди ётади. Маркетинг бошқарувининг бир функцияси сифатида ишбилармонлик фалсафаси айрим қурашларнинг моддийлашувида намоён булади.

Етакчи хорижий маркетинглоглар **Л.Роджер**, **П. Дракер** ҳисоблайдиларки, бошқарувнинг мураккаб вазифаси маркетинг ишбилармонлик фалсафаси асосида ривожлана бошлаган, у барча мамлакатларда фирмалар фаолиятини бошқаришнинг ташкил қилишга таъсир курсата бошлади. **Л.Роджернинг** таъкидлашича, белгиланган концепция сифатидаги маркетингни мутахассислар амалга оширадиган фаолиятнинг турли - туман турлари сифатидаги маркетинг комплексидан фарқлаш зарур. Маркетинг концепцияни қабул қилишдан

бошланиши керак, у фаолиятнинг ҳамма турларини таърифлайди, мақсад эса, агар фирма бу концепцияни қабул қилса, ундан аниқ ички ҳолатлар ва у ҳаракат қилаётган ташқи шароитларга боғлиқ маркетинг соҳасидаги ишни ташкил қилишнинг энг турли шакллари сифатида фойдаланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда маркетинг назариётчилари, фирмалар орасидаги бозор муносабатларига муҳим аҳамият бера туриб, фирма ишлаб чиқараётган ҳар бир товар буйича ишлаб чиқаришни бозор талабларига мослаш зарурлигига алоҳида ургу бермоқдалар. Шунинг учун бу муаммонинг ташкилий-техник нуқтаи назаридан катта эътибор, «махсулотни режалаштириш»га йуналтирилган, у уз ичига қуйдагиларни олади: аниқ товар бозорини урганиш, маркетинг дастурини ишлаб чиқиш, янги товарни яратиш ва бозорга киритиш анъанавий товарларга талабни фаоллаштириш ва уни сотишдан фойдани олдинроқ олиш.

Машҳур Америка олими Ф.Котлер маркетинг деганда «суров» остида айирбошлаш воситаси билан зарурият ва эҳтиёжни қондиришга йуналтирилган киши фаолиятининг турини тушунади. Ф.Котлер таърифи буйича маркетинг бу аҳоли қобилияти билан мустаҳкамланган эҳтиёж, унда киши товарни танлаб оладиб унинг хусусиятлари мажмуаси унга узининг узига хос эҳтиёжлари ва ресурсларини ҳисобга олиш билан ушбу нархга энг тулик қаноатлантиришини таъминлайди.

Шундай қилиб, маркетингнинг замонавий концепцияси нафақат маркетинг бошқарув тизими сифатида қулланишининг заруриятин назарий асослаб беради, балки умуман фаолиятни ташкил қилишнинг янги шакл ва услубларини ишлаб чиқиш буйича амалий тавсияларнинг манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Маркетинг фаолиятни бошқарувчи сифатидаги хусусиятлари шундан иборатки, у қуп вариантли иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда қарорлар қабул қилишни тахмин қилади ва қорхонанинг самарли фаолият қурсатиши учун ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратади.

Интеграция жараёнларининг ривожланиши, рақобат ва ишлаб чиқариш кооперациясининг қучайиши маркетинг логистикаси концепцияси муҳимлигини олдинги қаторга суриб қуяди. Бу йуналиш узининг хизмат вазифаси буйича қорхоналардаги хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар оқимини уз ичига олган юқ оқимларини логистика вазифасига тузатишлар қириш билан бозорга мулжалланишини таъминлайди. Логистик тизимни яратиш ҳам умумий тамойилларга ҳам алоқанинг шу соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига, қорхонанинг хомашёга харид қилинадиган қисмлар ва материалларга бўлган эҳтиёжларига ва тайёр маҳсулотлар сотиш бозорининг таҳалилига боғлиқдир.

Тадбирқорлик фаолиятининг мақсади ва стратегияси ва маркетинг вазифалари логистик тизимнинг асосий босқичларининг қурилишини олдиндан белгилаб беради. У маҳсулотларни сотиш услублари ва стратегиясини, логистика бюджетини тасдиқлашни, альтернатив вариантларни баҳолашни, логистик тизимни ишга туширишни уз ичига олади. Маркетинг концепциясини қенгроқ қулай бошлаш билан узига ва товар ҳаракати концепциясига фирма томонидан қупроқ эътибор берилма бошлайди.

Товар ҳаракати материаллар ва тайёр буюмларни ишлаб чиқарилган жойдан ишлатиладиган жойгача истеъмолчилар эҳтиёжини кондириш мақсадида жисмоний ҳаракатини режалаштириш, ҳаётга тадбиқ этиш ва назорат қилиш буйича ва ҳаражатларнинг булажак юқори тежалиши соҳаси бўлган фаолият. Буюртмаларни қайта ишлаш ва оморга жойлаштириш буйича мутахассислар, товар захиралари ва фойдаланиш транспорт хизматлари бошқарувчилари қабул қилган қарорлар фаолиятининг бошқа соҳаларидаги ҳаражатлар даражаси ва талабни бошқаришдаги фирманинг имкониятларида қуринади.

Товар ҳаракати концепцияси бу барча масалаларни ягона тузилма доирасида мувофиқлаштириш талаб қилади. Шунинг учун товар ҳаракатини бошқариш тизимини яратиш масалларини амалга ошириш зарурияти вужудга келади, у хизмат курсатишнинг исталган даражасини энг кам умумий ҳаражатлар билан таъминлашга имкон берган эди. Логистика истеъмолчига кенг мулжалланган ва ишлаб чиқариш жараёнини комплекс таҳлил қилади.

3.4 Унинг энг муҳим умумий вазифалари қуйдагилар:

1. Моддий ахборот оқимларини тартибга солишнинг интеграциялаштирилган тизимини яратиш;
2. Моддий оқимлар ҳаракатини назорат қилиш.
3. Товарларнинг жисмоний жойини узгартириш стратегияси ва технологиясини аниқлаш.
4. Товар ҳаракатини бошқариш тартибларини ишлаб чиқариш.
5. Ярим тайёр маҳсулотлар ва идишларни бир хил шаклга келтириш.
6. Ишлаб чиқариш ҳажми, ташиш ва оморга жойлаштиришни прогнозлаш.
7. Харид қилиш ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва имкониятлари уртасидаги номуносибликни аниқлаш.
8. Логистик тизим доирасида ишлаб чиқариладиган ва жойини узгартирадиган товарларга эҳтиёжни прогнозлаш.
9. Транспорт воситаларни таксимлаш.
10. Истеъмолчиларга сотувдан кейин хизмат курсатишни ташкил қилиш.
11. Истеъмолчиларга транспорт хизматини курсатишнинг иқтисодий мақсадлари, муносиб қуламлари ва даражасини аниқлаш.
12. Автоматлаштирилган транспорт оморхона комплексларининг техник ва технологик таркибини мувофиқлаштириш.

Бунда вазифалар комплексини аниқлашга тартиб билан ёндошиш муҳимлигини таъкидлаш зарур, бу нафақат турли хил элементларнинг яқка муҳимлигини, балки ички алоқалар, ҳамда операцияларнинг энг қулай бирлашмаларини топиш қобилятини фахмлашни қузда тутди. Логистикада ҳал қилинадиган масалларнинг қулами унинг бошқа турдош иқтисодий фанлар билан узаро чуқур алоқалари ҳақида дарак беради. Логистикани илмий йуналиш сифатида аниқлашга тавсия берувчи нафақат моддий ва ахборот оқимларини энг мувофиқ услубларини ишлаб чиқишга, балки талабни урганишга асосланган услубий ёндошишлар мавжуд.

Бу ерда логистиканинг маркетинг ва рекреатика-материаллар ва ахборотларнинг тугри оқимларини бошқариш буйича илмий билимлар соҳаси билан қушилиши содир бўлади. Уч фаннинг узаро яқин алоқаларини ҳисобга ола туриб, айрим олимлар логистикани маҳсулотларни оморга жойлаштириш ва жисмоний ҳаракатлари жараёни билан боғлиқ маркетинг ва рекреатиканинг айрим қисмлари деб ҳисоблашни тавсия қилмоқдалар. Маркетингда логистик биринчи навбатда ахборотлардан кенг фойдаланишни тавсия қилади ва унга асосланади. Ягона логистик тизимни яратишда тизим элементлари уртасида ахборотлар айрибошлашни тезлаштириш товар ҳаракати жараёнидаги умумий ҳаражатларни қамайтиришга қараганда янада қатгарок аҳамиятга эга, чунки бу ерда информатика - электрониканинг ҳозирги замон муваффақиятларидан тулик даражада фойдаланиш зарур, бу

амалга одамлар иштирокисиз ахборотлар билан жадал алмашувни амалга оширишга имкон беради.

Ишлаб чиқариш ва таксимот соҳасида шерикларнинг биргаликдаги характери, етказиб бериш жараёни эпчиллик билан ташкил қилиш, автоматлаштириш ва роботларни қўллаш мақсулотларни кичик-кичик тупламлар билан етказиб бериш имкониятларини энгиллаштиради ва бозор талабларини янада туликрок даражада қондиришга имкон беради.

Логистика, ахборот ва замонавий коммуникация бир хил шаклдаги буюмларни яққа шаклга айлантиришга имкон беради. Бозор импульсларига тез ва эпчиллик билан жавоб бериш қобилияти бозорга қараб йўналтирилган логистик тизимни яратишни билдиради. Бунда тизимдан чиқиш «**аник муддатда**» принципи буйича ташкил қилиниши қерак. Буларнинг ҳаммаси омборхона захираларини қамайтиришга имкон беради. Маркетингдаги логистика моддий ва ахборот оқимларини энг қўлай қўриш, бошқариш ва тартибга солишни таъминлайди ва энг охирида самарадорлигини оширади.

Назорат саволлари.

1. Логистик тизимлар қандай аломатлари буйича фаркланади?
2. Логистик тизимларнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
3. Логистиканинг «**6R**» принципи уз ичига нималарни олади?
4. Логистиканинг «**6R**» принципи қандай вазифаларни хал қилишни уз ичига олади?
5. Логистика қандай бошқарув тамойилларига асосланади?
6. Маркетингда логистика қандай бошқарув тамойилларига асосланади?
7. Бошқарув тамойилларини тушинтиринг.
8. Логистика истеъмолчига қандай мулжалланган?
9. ишлаб чиқариш жараенини комплекс тахлил қилишда қандай энг мухим вазифаларини уз олдига қўяди?
10. Ишлаб чиқариш жараенини қандай тахлил қилинади?

Маъруза-4. ЛОГИСТИК ТИЗИМНИ ЯРАТИШ РЕЖА

1. Логистик тизимни яратиш босқичлари.
* ходимларни ахборотлардан хабардорлигини оширади, чунки улар нафақат турли хил маълумотларни олишар, балки улар уртасида сабаб натижавий алоқаларни белгилашлари, сунг натижалар фойда, фойдалиликка таъсир курсатувчи омилларни тахлилини утказишлари мумкин;

* кабул килинадиган карорларнинг турли хил вариантларини куриб чиқишни амалга ошириш ва карорлар олиб келиши мумкин булган натижаларни тездан бахолаш.

Буларнинг хаммаси ИАТ нинг логистик тизим карорлари самарадорлигини таъминловчи белгиланган хусусиятларни талаб килади:

1) Маълумотларни кайта ишлаш ва топшириш режими кабул килинадиган карорларнинг тез-тез кайтарилишига мос келиши ва маълумотларнинг утрли хил имкониятини ва уларни суров буйича олинисини таъминлаши керак.

2) Тегишли карорлар кабул килишнинг талаб килувчи тизимнинг тартибга солинадиган улчамлари танкидий даражасини ажратиш керак.

3) Чиқишда муқобил карорларнинг хар томонлама асосланишини талаб килувчи маълумотлар мажмуасини шакллантириш керак.

4) Маълумотларни машинада кайта ишлаш тартиблари мажмуаси шундай курилиши керакки, уларни кулда кушимча кайта узгартириш заруриятидан воз кечилсин.

5) Дастлабки маълумотларни тайёрлашга энг кам мехнат сарфланишини таъминлаш.

6) Дастлабки мулжалланган карорларни назорат, тахлил килиш ва тартибга солиш имконияти.

7) Карорларнинг бажарилиш сифатини бахолаш.

ИАТнинг барча хусусиятилари фақат керакли ишончли ахборотлар билан таъминланганидагина самарали амалга оширилиши мумкин.

Интеграциялашган ахборот логистик тизимнинг яратилиши хаммадан аввал ишлаб чиқариш техник йуналишидаги махсулотларни аник муддатда етказиб беришни кузда тутуди, шу сабабли моддий ресурсларни истеъмолчи омборларига етказиб берилишини куйдаги формула буйича хисоблаш мумкин.

$$C_t = (C_{tp} + \frac{Q_k + \sum n_k}{P_k} * T_{ij}) - M_a$$

C_{tp} - иш бошланиши (t_p) нинг энг аввалги муддати;

Q_k - ишлаб чиқаришнинг бошида истеъмолчи омборларидаги материалларнинг колдиги;

$\sum n_k$ - материаллар улчовларининг табиий бирлигида етказиб бериш тупсининг микдори;

P_k - ишни бажариш учун материалларга эхтиёж, улчовларнинг табиий бирлигида;

T_{ij} - ишга тушириш даври ишлаб чиқаришдаги ишлар;

M_a - моддий усишнинг доимий кисми.

Бу алгоритмнинг амалга оширилиши материалларни етказиб бериш муддатлари ва базаларда материалларни тайёрлаш муддатларини тармокли график буйича ишнинг бажарилишини жадвалий графиги билан боғлашга имкон беради. Бу логистик тизим элементларининг ишини унинг асосий тамойили «**аник муддатда**»гига мувофик режалаштириш имкониятини беради.

ИАТ фаолият курсатишини яратиш иктисодий самардорлик курсаткичларини аниклаш талаб килади.

ИАТ самардорлиги асосий курсаткичлари куйдагилар:

- фойданинг йиллик усиши (Π):

- куйдаги формула буйича хисобланадиган йиллик иктисодий самара (Θ):

$$\Theta = \Pi_a - E_m * K_m$$

бу ерда:

E_m - иктисодий самардорликнинг меъерий коэффициентти:

K_m - ИАТ яратишга сармоя киритиш:

Киритилган сармояларнинг хисобланган коэффициенти E_p куйдаги формула билан аникланади:

$$E_p = \frac{\Pi_a}{K_a} \times \frac{\Delta\Pi}{K}$$

Агар киритилган сармояларнинг хисобланган коэффициенти меъеридан кам булса, ИАТ самарали хисобланади яъни

$$E_p > E_m$$

Киритилган сармояларнинг копланиши муддат T куйдаги формула буйича аникланади:

$$T = \frac{K_m}{\Delta\Pi}$$

Бу курсаткич ИАТни яратишга киритилган сармояларнинг урнини копланиш даврини таърифлайди.

Шундай килиб, ИАТни яратиш логистик жараёнларни бошқариш буйича маълумотларни йигиш, узатиш ва кайта ишлашни амалга оширишга имкон беради.

Назорат саволлари.

1. Мехнат унумдорлигини ошириш нималар асосида амалга оширилади?
2. Омборхона сигиминг миқдори қандай аникланади?
3. Фойдали омборхона майдони қандай аникланади?
4. Омборга жойлаштиришнинг энг қулай танлаш технологиясини танлаш схемасини келтиринг ва изоҳланг.
5. ИАТни яратиш қандай вазифаларни бажаришга ердамлашади?
6. Омборхонага жойлаштиришнинг энг қулай технологиясини танлаш схемасини келтиринг ва изоҳланг
7. ИАТ билан мулоқат утказиш чизмасини келтиринг ва изоҳланг
8. ИАТни қуллаш қандай имкониятлар яратади?
9. Моддий ресурсларни истеъмолчи омборларига етказиб бериш қандай формула орқали хисобланади?
10. ИАТ самардорлиги қандай хисобланади?

Маъруза-7. ЛОГИСТИКА ВА ҚОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ

РЕЖА

1. Логистика ва корхоналарни бошқариш хақида
2. Корхонанинг ривожланиш мақсади ва стратегияси
3. Корхоналарда логистик тизимни яратиш.

Адабиётлар: 2, 4, 15, 17, 18

Таянч иборалар:

- даража
- мослашувчанлик
- объектлар

Хозирги босқичда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши куйидагиларни янгича ёндошиш билан боғлиқ:

* хужалик юритувчи объектлар фаолият юртишининг узгариши;

* даврнинг давомийлиги ва уни ташкил қилиш жараёни

и қисқартиришни таъминловчи етказиб беришнинг юқори даражадаги тайёрлиги;

- барча даражалар ва босқичлардаги ишлаб чиқариш ва таъминот ҳамда сотишнинг мослашувлиги;

* омборхона захираларининг энг кам булган ҳолда етказиб беришни «аниқ муддатда» принципида ташкил қилиш;

- етказиб беришнинг юқори сифати, уларнинг миқдори, белгиланган жойига аниқ мос қилини билан;

* муомала соҳасида вақтни ва харажатларни қисқартириш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилиш билан.

Буларнинг ҳаммаси корхоналарда логистика услубида услубидан фойдаланишга олиб келади.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва куп операцияли технологияни қўллаш натижасида, гарбий мутахассисларнинг фикрича, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларда логистик харажатлар анча катта улушни ташкил қилади. Уларга куйидагилар қиради: транспорт, омборлар ва маҳсулот жойлаштириладиган идишларга, ахборот ва транспорт хизматини қўрсатишга ҳамда бу ишлар ва жараёнларни бошқаришга қилинган харажатлар. Масалан, логистик харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш умумий харажатларидаги улуши саноат соҳасига мувофиқ 10-30% уртасида узгариб туради, тегишли маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Логистик харажатлар озик-овкат (29,6%), металлургия ва металл қайта ишлаш (26,5%), қимё ва нефтни қайта ишлаш (23,1%) саноатларида анча катта.

1-ЖАДВАЛ

N	Саноат соҳасининг номи	Логистик харажатларнинг улуши % да
1.	Озик-овкат	29,6
2.	Металлургия ва металл қайта ишлаш	26,5
3.	Қимё ва нефтни қайта ишлаш	23,1
4.	Қоғоз	16,7
5.	Ёғочни қайта ишлаш	16,1
6.	Электротехника ва электроника	15,9
7.	Туқимачилик	14,9
8.	Машинасозлик	9,8

Логистик харажатлар умумий таркибидаги айрим компонентлар улуши 3-жадвалда келтирилган.

Жадвалда куришиб турибдики, энг катта харажатлар ахборот хизматини курсатиш (17,8%), омборга жойлаштириш (19,8%), жунатилаётган юкларни ташиш ва ички ташишлар (16,2%), захираларни маблаг билан таъминлаш (15,7%) га боглик.

Буларнинг хаммаси корхоналардан самарали логистик тизимни яратиш йули билан харажатларни камайтириш зарурияти хакида хабар беради.

2-Жадвал

Логистик харажатлар таркибидаги айрим компонентларнинг улуши		
N	Харажатлар номи	Харажатларни улуши,% да
	Келиб тушаётган юкларни ташиш учун	8,8
	Жунатилаётган юкларни ташиш ва ички ташиш учун	16,2
	Омборша жойлаштириш	19,8
	Захираларни маблаг билан таъминлаш	15,7
	Идишларга жойлаштириш харажатлари	10,3
	Ахборот хизматини курсатишга харажатлар	17,8
	Бошқариш ва назорат	11,4

7.3 Корхоналарда логистик тизимни яратиш.

Корхоналарда логистиканинг асосий вазифаси корхонанинг энг кам харажатлар билан бозор шароитига энг куп мослашувидан иборат.

Логистика бу хаммадан аввал, лойхалаш, ривожланиш, амалга ошириш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва назорат қилиш, моддий техник таъминот, махсулотларини сотиш ва корхонани фаолият курсатишининг техник ва тижорат соҳаларидаги кизиқтирувчи барча масалаларни узаро богланган холда урганувчи фан. 1 - чизмада корхонадаги логистик тизимнинг концепцияси келтирилган.

Корхонадаги логистик тизим моддий, ахборот оқимлари ва молиявий соҳани камраб олиши керак, чунки якуний натижада логистиканинг самарадорлиги рақобатга бардош бера оладиган махсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш билан белгиланади.

Моддий оқимларни мувофиқлаштириш транспорт, ортиш, тушириш, қайта ортиш, манипуляция (мураккаб ҳаракатлар) қилитиш ва омборга жойлаштириш масалаларини вақт буйича комплекс ҳал қилишни назарда тутаяди, бунда моддий ва ахборот оқимларининг қушилиши таъминланиши зарур.

Логистик моделларнинг қурилиш маркетинг ахборотининг тахлитлидан бошланади. Логистик буйича мутахассислар маркетинг маълумотлари ва корхона имкониятлари асосида логистик тизимни тузадилар.

маркетинг талабларини ҳисобга олган холда логистик тизимни босқичма-босқич ривожланиши жараёни 2-чизмада қиска тарзда келтирилган.

2-чизмадан куришиб турибдики, логистиканинг ривожланиши маркетинг тадқиқотлари билан ҳамбарчас богланган, бу якуний натижада бозорга йуналтирилган логистиканинг маркетинг билан интеграция қилишга имкон беради.



1- шакл. Корхонада логистик тизимни яратиш концепцияси.

Саноат корхонасидаги ҳуқуқий ишлаб чиқариш вазияти корxonанинг хизмат курсатувчи ходимлар, хомашё ва материаллар, энергетик ресурслар ва керакли ахборотлар билан таъминланишига боғлиқ.

Логистик тизимнинг яратилиши бозор шароитида ишлаб чиқаришни фаолият курсатишнинг муҳим омили булади. Бунга саноат ривожланган мамлакатлар: Япония, Олмония, АКШ тажрибалари ёрқин мисол булади.

Назорат саволлари:

1. Ҳозирги босқичда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши
2. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва куп операцияли технологияни куллаш
3. Логистик харажатлар умумий таркибидаги айрим компонентлар
- 4. Корхоналарда логистик тизимни яратиш.**
4. Корхоналарда логистиканинг асосий вазифаси.
5. Корхонадаги логистик тизим моддий, ахборот оқимлари деб нимага айтилади?

6. Моддий оқимларни мувофиқлаштириш деб нимага айтилади?

7. **Корхонада логистик тизимни яратиш концепцияси.**

8. Саноат корхонасидаги ҳуқуқий ишлаб чиқариш вазияти

9. Корхонанинг хизмат курсатувчи ходимлар, хомашё ва материаллар, энергетик ресурслар ва керакли ахборотлар билан таъминланиш нимага боғлиқ?

10. Логистик тизимнинг яратилишида ривожланган мамлакатлар тажрибалари

8-Мавзу: Корхонада логистика соҳалари.

Режа :

1. Корхонада логистика сощалари хакида
2. Корхонада ахборотларни кайта ишлаш ва узатиш.
3. Корхонада логистик маркетинг сиёсати
4. Корхонада логистиканинг вазифалари
5. Корхонада моддий - техника таъминотини бошқаришда логистика.

Адабиётлар руйхати:

Таянч иборалар:

- корхонада логистика
- маркетинг сиёсати
- логистик маркетинг
- логистика сощалари.
- Логистика вазифалари

Корхонада логистика куйдаги фаолият турларини уз ичига камраб олади (4-жадвал):

- * ишлаб чиқаришни режалаштириш;
- * махсулот ишлаб чиқариш;
- * моддий-техника таъминотини ташкил қилиш;
- * захираларни бошқариш;
- * махсулотларни ташиш;
- * оморхона хужалиги, саклаш, идишларга жойлаштиришни ташкил қилиш;
- * моддий ресурсларни бевосита истеъмолга тайёрлаш;
- * тайёр махсулотларни сотишни ташкил қилиш;
- * маркетинг;
- ахборотларни узатиш ва кайта ишлаш.

Лаёкат (нима кила оласиз)	Иқтисодийнинг ташқи прогнози	Сиёсат (сиз нимани хоҳлардингиз?)
	Саноатни ривожлантиришнинг ташқи прогнози	
	Корхона имкониятларининг ички чеклашлар	
	Утказувни прогнозлаш (ички)	
	Маркетинг куввати (хажми) шартлари	
	Талаб ва даромадларнинг мавжуд бўлиш шартлари	
	Талаб ва бажарилишнинг (логистика) мавжуд бўлиш шартлари	
	Махсулот гуруҳлари	
	Регионлар	
	Буюртмачилар гуруҳлари	
	Махсулот гуруҳлари	
	Регионлар	
	Буюртмачилар гуруҳлари	
	Махсулот гуруҳлари	

Сонни (вақт, масса) меъёрлаш буйича талаб ва шартлар	Регионлар
	Буюртмачилар гуруҳлари
Даромад, килиниши лозим булган харажатлар ва дароматларни баҳолаш буйича талаб ва шартлар	Махсулот гуруҳлари
	Регионлар
Бюджет (режа)	Буюртмачилар гуруҳлари

2-шакл. Маркетинг талабларини ҳисобга олган ҳолда логистиканинг босқичма - босқич ривожланиш жараёни.

3. Корхонада логистик маркетинг сиёсати

Логистик тизим купгина бошқарув вазифалари билан узаро узвий боғланган булиб, маркетинг сиёсати ва тактикасига асосланади, шунинг учун маркетинг талаблари логистик ҳаракат килувчи доира чегараларини белгилайди.

Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш тизими логистика мақсадларига эришиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш соҳасида логистика материаллар ва ярим тайёр махсулотларнинг ҳаракати, деталлар ва қисмларнинг қайта ишлашниши масалалари билан шугулланади. Логистик тизим ҳар бир ишчи урнида энг кам захираларнинг барқарорлиги, усқуналарни иш билан тулик таъминлашни тартибга солиш ишлаб чиқариш даврининг давомийлиги қисқартирилишин таъминлаш керак.

Логистиканинг вазифалари		
N	Логистика соҳалари	Вазифалар ва хизматлар
1	Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқаришни буюмий ишлаб чиқаришни батафсил баён қилиш билан режалаштириш: Ишлаб чиқариш жараёнлари ва иш сифати устидан назорат, ишлаб чиқариш майдонлари буйича ишлаб чиқариш режаларини жойлаштириш.
2	Юқларни қайта ишлаш	Захираларни ҳисобга олиш ва бошқариш, юқларнинг ҳаракати ва уларни қайта ишлаш, буюмларни идишларга жойлаштириш, уларни саклаш, омборга жойлаштириш, ортиш-тушириш ишлари, юқ тупларини бутлаш.
3	Макетинг	Товарлар ва хизматларни режалаштириш, моддий рағбатлантириш молиялар ва ҳисоб-китоблар, бозорни урганиш, таъминот хизматини ташкил этиш.
4	Сотиш ва таксимлаш	Тайёр махсулотлар етказиб бериш учун буюртмаларни шакллантириш, тайёр махсулотларни ортиб жунатиш жадвалларни ишлаб чиқиш, тайёр махсулотларнинг ҳаракати, саклаш, тайёр

		максулотлар захираларининг ташкил килиш.
5	моддий техника моддий техника	Моддий ресурсларга булган эхтиёжни аниклаш "цехларни таъминлаш" жадвалини ишлаб чиқиш, хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар, ярим тайёр махсулотлар харакатини хисобга олиш, захираларини бошқариш
6	Омбор хужалигини ва транспортни ташкил килиш ва бошқариш.	Омборхона хужалигини ривожлантириш юкларни омборда қайта ишлаш балан боғлиқ замонвий услубларни ва воситаларни куллаш технологик жараёнларни муваффиқлаштириш маълумотларни қайта ишлашни автоматлаштириш махсулотларни ташиш ортиш-тушириш ишларини амалга ошириш маддий ресурсларни ишлаб чиқариш истеъмолига тайёрлаш.

Ишлаб чиқариш даврининг уртача давомийлиги қуйдаги формула буйича аникланади:

$$D_{zl} = \frac{\sum_{i=1}^n T_{ai} - T_{zl}}{n}$$

бу ерда:

T_{ai} - ишлаб чиқариш операцияларининг тугаш вақти;

T_{zl} - ишлаб чиқариш операцияларининг бошланиш вақти;

n - ишлаб чиқариш жараёнлари миқдори.

Давомийлик даврини мувофиқлаштириш материаллар, ахборотларнинг узилган оқимдан келиб чиққан барча вазиятларда ишлаб чиқаришнинг барқарорлигига йуналтирилган тезроқ бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши орқасидан бевосита кузатиш талаб қилади. Махсулотларни ташиш, қорхонага юкларни етказиб бериш, шу жумладан завод ичидаги ташиш ишлари логистиканинг муҳим қисми бўлади. Логистика нуқтаи назаридан ортиш-тушириш ишларида механизациялаш ва автоматлаштиришни куллаш, юк бирликларини бевосита омборхона ёки ишлаб чиқариш минтақаларига етказиб беришни ташкил қилиш зарурийдир.

5. Қорхонада моддий - техника таъминотини бошқаришда логистика.

Моддий - техника таъминотини ташкил қилиш жараёнида логистика таъминотчиларни танлаш, хомашё материалларини етказиб бериш масалаларини қуриб чиқади. Моддий ресурсларни етказиб бериш уч вариантда бўлиши мумкин:

* шахсий ишлаб чиқаришни хисобига;

* мавжуд таъминотчилар хисобига;

* янги таъминотчиларни жалб қилиш хисобига.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида ривожланиш ва асосан кичиклари хисобига янги таъминотчиларни жалб қилиш анъанаси кузатилади, бу материалларнинг қатта

булмаган бир тупини олиш имкониятини беради. Ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлигини таъминлайди ва керак булган ҳолда бозор талабларига мувофиқ янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга утишни тезлатишга имкон беради. Шунинг билан бу босқичда логистиканинг мақсади асосий ишлаб чиқаришни белгиланган вақт тартибида энг кам харажатлар билан керакли моддий ресурслар билан таъминлашни режалаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишдан иборат.

Айниқса, захираларни бошқаришда логистиканинг аҳамияти катта. Захираларни транспорт, ишлаб чиқариш ва сотиш уртасидаги буфер (орлик) вазифасини бажаради. Ҳозирги шароитда захиралар миқдори тез узгараётган талаб ва корхона ишининг бир ма-ромдалигини таъминлаш учун мувофиқ булиши керак. Логистик тизимларда захираларни сақлаш билан боғлиқ муомала вақти ва харажатларини қисқартиришга алоҳида эътибор берилади, булар логистик харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилиш, ортиш-тушириш воситаларини ҳалталарга жойлаштириш воситаларини қуллаш ва сақлаш логистик тизимнинг муҳим соҳаси булади. Хорижда Канбан, ОПТ, МРП, МРП-2 номини олгач, логистикага асосланган «**аник муддатда**» етказиб бериш тизими таъминотини ташкил қилишнинг энг ёйилган тизимидир. Канбан тизими Япония корхоналарида кенг-қулланилади. Бу тизим сериялаб ишлаб чиқаришни куп предметли ишлаб чиқаришни кузда тутуди, уда турли моделлар буюмлари аралашиб кетади. Майдончаларнинг таъминоти кичик туплар билан амалга оширилади, бу моҳияти буйича донабайга айланади. Ишлаб чиқариш даврининг барча босқичларида керакли қисм, деталь кейинги ишлаб чиқариш операцияси жойига аниқ муддатида, яъни бу керак булган вақтда, орқали меъёрдан ортикча захиралар тупламасидан етказиб берилади. Канбан тизими етказиб берувчилар ва барча моддий-техника таъминоти ташкилотларининг узаро муносабатларини тубдан узгартиради. Бундай тизим захиралар ҳажми ва етказиб беришлар уртасидаги орликларни кескин қисқаришига олиб келади. Масалан, «**Тойота**» фирмаси буйича омборхона захиралари миқдори бир соатлик ишга мулжалланган. Канбан тизими моддий режалаштириш ва ресурсларни ҳисобга олишнинг тегишли механизминини талаб қилади, чунки таъминотни етказиб бериш сифати ва миқдорини башорат қилиб баҳолашдаги ҳисоб-китобларда хатоларга йул қуйилмайди.

Канбан тизимидан фойдаланувчи Япон фирмалари моддий ресурсларни факат ишончли таъминотчилардан харид қилишга ҳаракат қилдилар ва уларни уз талабларига қарам қилиб қуядилар.

АҚШда ривожланган ОПТ (ишлаб чиқариш технологиясини мувофиқлаштириш) тизими «чүзилган» тизимга қиради. Бу тизимнинг асосий тамойили ишлаб чиқаришда «тор» жойларни ёки қамёб ресурсларни аниқлаш. Мисол учун хомашё ва материаллар, машиналар, усқуналар, технологик жараёнлар ва ходимларнинг айрим турлари қамёб ресурслар булиши мумкин. Ишлаб чиқариш тизимининг ривожланиш сурёати қамёб ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. ОПТ тизимида ишлаб чиқаришнинг бир кунга, ҳафтага ва ҳ.к. жаadwalини шакллантириш амалга оширилади, истеъмолчилар томонидан буюрилган маҳсулотларни ортиб жунатишнинг назорат муқобил ресурсларни қидириб топиш, керакли материаллар йук булганда уларни тулик ҳолда алмаштириш буйича тавсиялар бериш масалалари ҳал қилинади.

Энг маъқул жаadwalни шакллантиришда қуйдагилар ҳисобга олинади:

- * ишлаб чиқаришнинг ресурсларга булган эҳтиёжни қаноатлантириш даражаси;
- * ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги;
- * тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган воситалар;
- * жаadwalнинг эпчиллиги, яъни усқуналарни авария туфайли тухтаб қолганда ва моддий ресурсларни тулик етказиб берилмаганда уни амалга ошириш имконияти.

ОПТ тизимида бу вазифаларни амалга ошириш учун керакли ахборотлар: «ишлаб чикариш жадвали», «**хомашё ва материалларга эхтиёж**» ва х.к.ларни олишни таъминловчи модул тизимининг дастурий математик таъминотидан фойдаланилади.

ОПТ тизимида фойдаланувчи фирмалар тажрибаси курсатадики, асосий жамгармалар узгармаганда у тайёр махсулот ишлаб чикаришни 10% га оширишга, ишлаб чикариш захираларини 20% дан купрок камайтиришга имкон беради.

АКШда яна «итарувчи» туридаги тизим - МРП (материалларга эхтиёжни режалаштириш) дан кенг фойдаланилади. Бу тизим хаммадан аввал: бозор навларининг башоратига мувофик белгиланган микдордаги тайёр махсулотларни ишлаб чикариш учун керакли материаллар руйхатини шакллантиришни: таъминотчиларга буюмларни шакллантириш, жорий ва сугурта захираларини шакллантиришни кузда тутди.

МРП - 2 тизимни МРП тизимининг иккинчи бугини булади, вазифалар турларини (бунга технологик жараёнларни бошқариш, ишлаб чикаришни бошқаришни автоматлаштириш вазифалари киради) эпчиллиги ва ишончилиги билан ажралиб туради. Материалларга эхтиёжни аниклаш куйдаги вазифаларни хал килишни кузда тутди: материалларга эхтиёжни прогноз килиш, захираларни бошқариш, харидларни бошқариш ва х.к. прогноз килиш вазифаларини хал килишда устивор булмаган буюртмалар буйича хомашё ва материалларга прогнозни ишлаб чиқиш, буюртмаларни бажариш мумкин булган муддатлар ва унинг буюртмачиларига хизмат курсатиш мазмуни ва сифатига харажатларни хисобга олиш билан сугурта захиралари даражасининг тахлили, хомашё ва материалларнинг хар бир турибуйича прогноз килиш стратегиясини танлаш максатида хужалик вазиятларининг ретроспектив тахлили. Асосий логистик курсаткичларга куйдагилар киради:

* захираларнинг айланиш тезлиги, у товар муомаласи микдорининг омборхона захиралари хажмига муносабати сифатида аникланади;

* товар муомаласи бирлигига тугри келадиган моддий техника таъминотига умумий харажатлар;

* курсаткичга муддада каноатлантирилган эхтиёж хажмини умумий хажмига хусусий йул билан таксимлаш сифатида хисоблаб чиқилган таъминотчининг тайёргарлик даражаси;

* умумий харажатлардаги логистик харажатлар (% да)

* алохида омборлар учун моддий ресурслар муомалаларининг тезлиги (кунларда);

* ташилга юкларнинг тонна / километрига харажатлар;

* омборхона ва транспорт воситалари саройининг харажатлари;

* захираларни саклаш билан боглик хавф-хатар даражаси.

Шундай килиб, корхонада бозорга йуналтирилган логистик тизимни яратиш бозор импульсларга тез ва эпчиллик билан жавоб бериш имкон беради. Бундай тизимининг кириш ва чиқиш прогнознинг эмас, балки талабнинг афзаллигибилан белгиланади, бундай тизимдан чиқиш «аник муддатда» принципи буйича ташкил килиниши керак. Логистик тизим яна бир жудаям мухим талаб-эпчилликка жавоб бериш керак. Логистик тизимни эпчиллиги корхонада режалаштириш ва техник хал килиш бозор холатининг узгариши натижасида махсулот технологияси ва навларининг узгаришига эпчиллик билан жавоб бериш имкониятини таъминлаш лозим.

Назорат саволлари:

1. Корхонада логистика кандай фаолият турларини уз ичига камраб олади

2. ахборотларни узатиш ва кайта ишлаш.

3. Маркетинг талабларини хисобга олган холда логистиканинг боскичма - боскич ривожланиш жараёни.

4. Корхонада логистик маркетинг сиёсати

5. Ишлаб чикариш соҳасида логистика

6. Корхонада логистика вазифалари

7. Корхонада моддий - техника таъминотини бошқариш

8. Ишлаб чиқаришнинг ресурсларга булган эҳтиёжни каноатлантириш даражаси;
9. Ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги
10. Тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган воситалар;
11. Захираларнинг айланиш тезлиги,

Х У Л О С А.

Логистика фан сифатида ишлаб чиқариш жараёнининг чуқур комплекс тахлили билан шугулланади, у қандайдир айрим қисмларда амалга ошириладиган унинг айрим босқичларини эмас, балки унинг барча босқичларни қамраб олувчи махсулотни қайта ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнини урганилади. Логистика биринчи марта ишлаб чиқариш жараёнининг барча иштирокчиларини уларнинг урни ва уни амалга оширишга қилган харажатлари билан баҳоланади. Бу тадқиқот, сотиш ва транспорт узок вақт хатоларга қушимча иккинчи даражали хизмат курсатувчи вазифалар бўлиб қолганлигини аниқлашга имкон беради. Логистика таъминот ва сотиш, ишлаб чиқаришнинг қузатиб боровчиси эмас, балки стратегик омили эканлигини назарий курсатди. Логистик тизим яратиш тажрибаси бу ҳулосанинг туғрилигини тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча логистик тизимининг самарали фойда курсатиши бир муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Буларга қуйдагилар қиради:

* логистик тизим ишини стратегик режалаштиришда талаб ва ишлаб чиқаришни прогноз қилиш;

* транспортни тақсимлаш ва истеъмолчиларга хизмат курсатиш жараёнларини мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал қилиш, яъни хизмат курсатиш жойларида омборхона тизими тармоқларини яратиш, тақсимловчи омборхона марказлари ва истеъмолчилар омборлари уртасида вазифаларни энг мувофиқ тақсимлаш, истеъмолчиларни гуруҳлаш асосида савдо минтақаларини бир турга қелтириш, уларни ишлаб чиқариш жойларига энг мос қилиб бириктириш;

* истеъмолчиларга транспортда фойдаланишда хизмат курсатишни иқтисодий мақсадга мувофиқ қуламли ва даражаларини аниқлаш;

* логистик тизим моделларини қуриш ва унинг фаолият курсатиш барқарорлиги шартларини ишлаб чиқиш;

* логистик тизимининг ишончли таъминотини яратиш;

* логистик тизимда истеъмолчиларга юқори самарали сервис хизмати курсатиш режасини ишлаб чиқиш.

Шубҳасиз, санаб утилган вазифалар логистик тизимни яратиш ва хизмат курсатиш билан боғлиқ муаммолар доирасини қамраб ололмайди.

Ҳозирги вақтда бундай фаннинг тизимий ёндашуви, ҳисоблаш техникаси, иқтисодий-математик услублар асосида шаклланиш жараёни амалга ошмоқда, бу уч асосий қисм: ишлаб чиқариш, транспорт ва бозорни уз ичига олувчи ягона комплекс технология ишлаб чиқилмоқда.

Бу муаммога хорижда қераклича эътибор бермоқда, халқаро анжуманлар, қенгашлар ва қонгресслар утқазилмоқда.

Швецарияла логистика буйича Европа маркази ташқил қилинган, Германияда махсус илмий муассасалар фаолият курсатмоқда. АКШнинг қупгина укув институтлари менежерлик ва логистика буйича мутахассислар тайёрламоқда, логистика буйича махсус бўлимлар ташқил қилинган ва х.к. МДХ да, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам логистик тизмига илмий қизқиқ усмоқда. Қупгина олий укув юртлари дастурларида аста секин логистика курслари пайдо бўлмоқда. Шуни таъқидлаш қеракки, ҳозирча фан услубий ёндоқиш ишлаб чиқилгани йук, бизнинг мамлақатимиздаги мавжуд қуп бўлмаган нашрлар эса тарқок қаратерга эга ва

логистик назария нуктаи назарини асосли ва чуқур урганиш, ҳамда амалий ҳарактердаги масалаларни ҳал қилишга йуналтириш мақсадга мувофиқдир.

Логистиканинг асосий атамалари ва тушунчалари.

Моддий ресурсларни жисмоний тақсимлаш, ишлаб чиқаришни техник, технологик, ташкилий таъминлаш тугрисидаги фан сифатида логистик илмий техник тарққийёт таъсири натижасида маҳсулотлар айланувчи жараёнини такомиллаштириб боришга булган доимий талаб таъсириостида пайдо булади.

Логистика куйдагиларга асосланади:

- * техника (материаллар оқими);
- * информатика (ахборотлар оқими);
- * ишлаб чиқаришга (мос ҳолдаги бошқарув моделлари билан);

Товар ҳаракати жараёнининг мураккаблашувига бир қатор омиллар сабаб булди, уларнинг энг асосийлари куйдагилардир:

* утказуви бозорлар учун олиб борилган конкрет курашлар, уларни эгаллаш, кенгайтириш, рақобатчилар бозорга таклиф қилаётган товарларни ва истеъмолчилар талабини урганиш;

- аниқ утказувчи бозорларга йуналтирилган ва истеъмолчилар буюртмасига асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, моддий ресурслар ҳаракати, улар муомалада буладиган барча босқичларда, аниқ ва пухта уйлаб чиқилган, режалаштирилган ва ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш;
- Товар ҳаракати тугрисидаги ахборотнинг муомала жараёнининг барча босқичларида ва маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида тартибга солинган ҳаракати;
- Логистик тизим фаолияти логистик коидалар асосида амалга оширилади. Логистик коидалар деганда логистик тизимдаги энг мақбул йуналишларини аниқлаш учун, юқлар ва буюртмалар ҳаракатини баҳолаш учун кулланиладиган принцип ва усуллар йигиндиси тушинилади.
- Логистик тизим (ЛТ) деганда элементлар ва улар уртасида юк (материал) оқимини, у пайдо булган нуктадан истеъмол қилинадиган нуктагача бошқариш мақсадида пайдо буладиган узаро локалар ва бу жараёнлар учун зарур булган ахборот оқимлари йигиндиси тушинилади.
- Логистик тизимнинг элементлари куйдагилардир: казиб олувчи, қайта ишловчи корхоналар ва бошқа омбор қувватлари, етказиб берувчилар, буюртмачилар, ахборот тизимлари, ахборотни йигиш, қайта ишлаш ва узатиш мосламалари, бошқарувчи органлари (менежмент).

Моддий оқимлар тизимининг мувоффақиятли ишлаши логистик инфраструк-туранинг ривожланишига жуда боғлиқдир.

* логистика инфраструктураси деганда бир корхонадан бошқа корхонага моддий ва ахборот оқимларини ишончли ва бир маромда етказиб туришини таъминлайдиган транспорт ва бошқа зарурий элементларнинг йигиндиси тушунилади.

Логистика фаолиятининг асосий соҳаларидан бири юқларни тақсимлаш, уларни бевосита истеъмолчиларгача етказиб бериш ҳисобланади. ЛТ фаолияти биринчи навбатда юқларни ташиш учун зарур буладиган транспорт билан жуда боғлиқдир. Транспорт фаолиятининг асосий курсатқичи бу бажарилган транспорт ишларининг ҳажми, яъни юқларни маълум бир масофага энг кам ҳаражатлар билан ташиш ҳажми ҳисобланади.

Куйдагиларга қилинган ҳаражатлар логистик сарф-ҳаражатлар ҳисобланади.

* ташишга, ортишга, туширишга, қайта ортишга, юқларни манипуляция қилишга қилинган сарф-ҳаражатлар;

* транспорт-омбор ишларининг ҳамма турлари буйича тахлашга;

* ахборот хизматини курсатиш, яъни ахборот оқимларини ташкил этишга;

* айланма маблағларни тутиб туришга ва омборларда юқларни сақлаб туриш натижасида қилинаётган таваққалчиликка;

* логистик бошқаришга қилинган сарф-ҳаражатлар;

* Моддий (юк) окимларининг фаолият юритиш билан боғлиқ булган зарар тушунчалардан бири ахборот окимларидир. Шунингдек тескари алоқа, яъни режалаштирилган иш қандай натижа билан тугаганини солиштириш учун зарур буладиган ахборот, алоқа тушунчаси ҳам кенг фойдаланилади. Тескари алоқа логистик жараёнларни янада самарлироқ бошқаришга имкон беради. Ахборот окимлари деганда логистик каналлар орқали утадиган ахборот каналларининг йигиндиси тушунилади.

* Логистик канал етказиб берувчи, истеъмолчи, ташувчи, воситачи, сугуртачилардан иборат қисман тартибга солинган куплик. Истеъмолчи ёки етказиб берувчи бозор иктисодиёти шароитида ташувчиларни, сугуртачиларни ва х.к.ларни турли хил мезонлар буйича (сифат, хизмат курсатиш даражаси, баҳо ва бошқалар), турли хил усуллар билан (рейтингини ҳисоблаш, операцияларни тадқиқ қилиш усуллари қуллаш ва х.к.) танлаш имкониятига эгадир. Танлаш амалга оширилгандан сунг логистик канал логистик занжирга айланади.

* Логистик занжир бу чизикли тартибга солинган куплаб жисмоний юридик шахсларнинг (ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, умумий фойдаланиладиган оморлар) куплиги булиб, улар ташкил моддий окимни бир ЛТ дан бошқа ЛТ га етказиб бериш буйича (агар ишлаб чиқариш истеъмоли булса) ёки якуний истеъмолчига етказиб бериш буйича (ноншлаб чиқариш истеъмоли, шахсий истеъмол) операцияларни амалга оширадиган. Умумий ҳолатда логистик занжир ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, воситачи ва танишув-чиларни бирлаштириди.

* Бу окимларнинг узаро ҳаракати ва узаро алоқаси тадбиркорлик логистикаси фаолиятида уз аксини топади, у корхоналар, етказиб берувчилар ва буюртмачилар уртасидаги барча моддий ахборот окимларини бирлаштиради ва ташкил қилади.

* логистик жараёнлар муваффақиятли бориши учун логистик бошқарувдан фойдаланилади, бу бошқарув корхонани умумий бошқаришнинг бир қисми ҳисобланади. Логистик Бошқарув узича режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш қабиларни акс эттиради ва уларнинг асосида мос ҳолдаги ахборот ётади. Логистик бошқарув корхонани умумий бошқарув билан бирга фаолият юрита туриб, у моддий (юк) окимларнинг тежамли ва илдам булишини, зарурий захираларнинг энг қулай ҳажмини тахминлаш керак, моддий окимлар мавжуд булишининг шароитида ва талаблари тугрисида ахборотга эга булиши керак, моддий окимлар мавжуд булишининг шароити ва талаблари тагрисида ахборотга эга булиши керак.

* Таксимлаш ва утказув соҳасидаги оморлар керакли сифатдаги махсулотларни, зарур ҳажмда ва белгиланган вақтда истеъмолчига жунатишни таъминлайди, шунингдек ишлаб чиқариш билан истеъмол уртасидаги номутаносибликни текислаб, бир маромда қилиб туришга ҳаизмат қилади. Логистик тизимда интерфейсларнинг, яъни тизим ташкил этувчилар уртасидаги бирлаштирувчи логистик элементларнинг ҳамияти каттадир. Тизимдаги хизмат курсатиш даражаси интерфейслар сифатига жуда боғлиқдир, яъни бу курсаткич бажарилган буюртмаларнинг жами берилган буюртмалар сонига нисбати сифатида аниқланади. Купинча сервис даражаси маълум вақт оралиғи учун ҳисобланади.

* Тизимнинг энг асосий курсаткичларидан бири бу унинг тежамлилигидир. Агар режалаштирилган логистик харажатлар ва логистик қувватлар маълум бир муносибликда булса, тизим тежамли ҳисобланади.

* Логистик тизимдан фойдаланишга қилинадиган харажатлар энг кам булиши ва бунда тизимнинг сифатли ишлаши сакланиб қолиши керак. ЛТ нинг самарадорлиғи, якуний ҳисобда, олинган фойданинг сарф қилинган капиталга нисбати сифатида аниқланади.

* ЛТ да истеъмолчиларга хизмат курсатиш сифатини энг асосий курсаткичлари қуйдагилардир.

* буюртмани қабул қилишдан то уни бажаргунча утган вақт.

* талаб буйича етказиб бериш имкониятининг мавжудлиғи ва ишончилиғи.

* захираларнинг мавжудлиғи, таъминотнинг бир маромдалиғи, буюртмаларни бажаришнинг тулаганлиғи ва тушунарлилиғи, буюртмани жойлаштиришнинг қулайлиғи.

* баҳоларнинг объективлиги ва хизмат курсатиш баҳолари хақидаги ахборотларнинг доимийлиги.

* кредитга бериш имкониятлари хақидаги таклифлар.

* ЛТ омборларида юкларни қайта ишлаш технологиясининг самардорлиги.

* ураш-жойлаш сифати ва пакетли ва контейнерли ташишларнинг амалга оширилиши.

Бозор узгаришларига тез ва мақбул мослаша олиш учун бозорга йуналтирилган логистик тизимни яратиш керак булади.

Бундай тизимнинг кириши ва чиқиши прогноз орқали эмас, балки бозордаги талаб орқали аниқланади.

Тизимдан чиқиш "**айнан вақтида**" принципи асосида энг кам харажатлар билан ташкил этилиши лозим. Охир-оқибат бозорга йуналтирилган логистик тизим маркетинг тизими билан уйғунлашади, яъни ташкилий ва таркибий қайта қуришга шарт-шароит яратади.

Маркетингдаги логистик моддий ахборот оқимларининг энг қулай қурилишини, бошқарилишини ва тартибга солинишини таъминлайди ва бу билан маркетинг фаолиятининг самардорлигини оширади.

А Д А Б И Ё Т Л А Р.

1. Каримов И.А. Узбекистон ХХІ аср бусагасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва таққийт қафолатлари. -Тошкент.Узбекистон 1997.

2. Каримов И.А. Узбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида - Тошкент. Узбекистон. 1995.

3. Авнесов А. Ключко А.Н. Ваькин Е.В. Основы коммерции на рынке товаров и услуг. Учебник для выших учебных заведений М... 1995.

4. Бушер Д. Тиндолл Г. Эффективность логистики / Сокр. пер. сангл - М 1989.

Неруш Ю.М. Коммерческая логистика Учебник для вузов - М. Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.-271с.

5. Пурлик В.М. Рынок интестиционных товаров и логистика Монография - М: Международный университет бизнеса и управления, 1997.

6. Гаджинский А.Н. Логистика :Учебник.- М.: 1998.-228с.

7. Гордон М. Функции и развитие логистики в сфере товаро-обращенил //Риск- 1993 -N 1.

8. Дегтеренко В.Н. Основы логистики и маркетинга - /Ростов на - Дону 1992.

9. Залманова М.Е. Управление системами перерботки, хранения и доставки продукции. Логистическая концепция. Учебное пособие / Саратов, 1993.

10. Залманова М.Е. Закупочная и распределительная логистика. Учебное пособие. /Саратов, 1992.
11. Залманова М.Е. Логистика: Учебное пособие.-Саратов. СГТУ,1995. – 166с.
12. Промыслов Б.Д. Жученко И.А. Логистические основы управления материальными и денежными потоками: проблемы: поиски, решения. -М: 1994.
13. Гуломов С.С ва Иктисодий информатика, 1999 йил.
14. Родников А.Н. Логистика: Терминологический словарь.-М.: Экономика,1995.-251с.
15. Логистика: Учебник /Под ред. Б.А.Аникина:2-ое изд., перераб. И доп. –М.ИНФРА-М,2001.-352с.- (Серия “Высшая школа”) (ISBN 5-16-000536-6) (Тираж- 3000экз.)
16. Ballou R.H. Basic Business Logistics. - L. 1987. 438p.
17. Bowersox D. J., Closs D.J. Logistical Management. – N.Y.,1996.-730 p.
18. Мухиддинов Д.М. Логистика. Укув кулланма.- ТДИУ,1998.- 61 б.

МУНДАРИЖА

1-МАЪРУЗА . Мавзу: Логистика курсининг предмети ва вазифаси.....	5
1.1.Логистиканинг вужудга келиши ва мохияти.	
1.2. Логистиканинг йуналишлари.	
1.3.Логистиканинг асосий максади	
1.4 Логистика тамойиллари.	
1.5. Логистика концепцияси.	
2-Маруза: Логистик тизимларда товар харакатини бошқариш.....	8
2.1.Логистик тизимларда тавар харакатини бошқариш.	
2.2.Моддий-техника таъминотида логистиканинг роли.	
2.3. Логистик канал ва занжирлар	
2.4.Моддий-техника таъминотида логистиканинг вазифаси.	
3-Маъруза ЛОГИСТИК ТИЗИМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ.....	13

3.1	Логистик тизимларнинг турлари.	
3.2	Логистик тизимнинг тамойиллари.	
3.3	Маркетингда логистика.	
3.4	Энг мухим умумий вазифалари	
3.5	Логистиканинг илмий йуналиши.	
4-	Маъруза. ЛОГИСТИК ТИЗИМНИ ЯРАТИШ.....	18
4.1.	Логистик тизимни яратиш боскичлари	
4.2.	Логистик тизим шакллари	
4.3.	Талаб логистиканинг иктисодий асоси.	
4.4.	Логистиканинг иктисодий-математик усуллари.	
4.5.	Логистик тизимни моделлаштириш	
5-	Маъруза. ЛОГИСТИК ТИЗИМДА ОМБОРЛАР.....	25
5.1.	Омборлар логистик тизимнинг мухим элементлари	
5.2.	Логистик тизимлар омборларини техник таъминланиши	
5.3.	Логистик тизимлар омборларини техник таъминланишининг тавсифи.	
5.4	Логистик тизимда омборга жойлаштириш.	
5.5	Логистик тизимда омборга жойлаштиришнинг энг кулай техналогиясини танлаш.	
6-	Маруза . Логистик тизим омборларни бошқаришни автоматлаштириш.....	34
6.1	Логистик тизим омборларни бошқариш.	
6.2.	Логистик тизим ахборотларни бошқаришни автоматлаштириш	
6.3.	Омборга жойлаштириш техналогиясининг бахоланадиган курсаткичлари	
6.4.	Интеграциялаштирилган ахборот тизими.	
7-	Маъруза. ЛОГИСТИКА ВА КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ.....	38
7.1.	Логистика ва корхоналарни бошқариш хакида	
7.2.	Корхонанинг ривожланиш мақсади ва стра-тегияси	
7.3.	Корхоналарда логистик тизимни яратиш.	
8-	Маруза: Корхонада логистика соҳалари.....	42
8.1.	Корхонада логистика соҳалари хакида	
8.2.	Корхонада ахборотларни қайта ишлаш ва узатиш.	
8.3.	Корхонада логистик маркетинг сиёсати	
8.4.	Корхонада логистиканинг вазифалари	
8.5.	Корхонада моддий - техника таъминотини бошқаришда логистика.	
	Хулоса	47
	Адабиётлар.....	51